



## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ЙЎНАЛТИРИБ ЎҚИТИШДА ИНТЕРАКТИВ ЎҚУВ МАЖМУАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Алламбергенова М.*

*Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти,  
Информатика ўқитиш методикаси кафедраси доценти  
педагогика фанлари номзоди*

**Таянч сўзлар:** ахборот технологиялари, касбий фаолият, ўқув мажмуалари, интерактив методлар, педагогика, олий таълим, илмий изланишлар, ташкилий-методик, ижтимоий-педагогик, электрон таълим ўқув воситалари имкониятлари.

**Ключевые слова:** информационные технологии, профессиональная деятельность, образовательные комплексы, интерактивные методы, педагогика, высшее образование, научные исследования, организационно-методические, социально-педагогические, возможности средств обучения электронного образования.

**Key words:** information technology, professional activity, educational complexes, interactive methods, pedagogy, higher education, scientific research, organizational and methodological, social and pedagogical, possibilities of teaching aids of electronic education.

Дунёда бўлажак ўқитувчиларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш, ахборот-таълим муҳити шароитида бўлажак педагогларда метакомпетентликни ривожлантиришнинг ташкилий-методик тизимини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. 2018-йил 5-июлдаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 3151-сонли Президент қарорида олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёни, таълим олаётган талабалар билимини бугунги кун талабларига жавоб берадиган этиб тайёрлаш вазифаси келтирилади.

Жумладан, талабаларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг амалий технологик тизими ва илмий-методик таъминотини такомиллаштириш, анъанавий, масофавий ва мустақил таълим



олиш имкониятларини кенгайтиришнинг формал, информал ва ноформал шакллари касбий соҳаларга адаптив қўллашнинг дидактик тизимини ишлаб чиқиш муҳим долзарблик касб этади. [зама].

Республикамизда олий педагогик таълимга рақамли технологияларни кенг жорий этиш, янги Ренессанс педагогикаси шароитида муқобил таълим шаклларида муваффақиятли фаолият юритишга қодир, комплекс педагогик компетентликка эга ўқитувчиларни тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” [1; 39-б.] электрон таълим ўқув воситалари имкониятларини янада кенгайтириш зарурлигини кўрсатиб турибди. Бу эса, рақамлашган таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик тизими ва методик моделини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этишнинг дидактик шарт-шароитларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Интерактив ўқув мажмуалар (ИЎМ) таълим дастурларини ўзлаштириш ва амалга оширишни таъминловчи – ўқув режа, фан ёки ўқув курси бўйича дастурлар, фан ёки ўқув курси бўйича электрон дарсликлар, ўқув ёки амалий қўлланмалар, ўтилган машғулотларни ўзлаштириш сифатини назорат қилиш учун тест материаллари, фан ёки ўқув курсини ўрганиш ҳамда назорат ва курс ишларини бажариш бўйича услубий тавсиялар, ўқув (дидактик) қўлланма ва масалалар тўпламларини қамраб олган, электрон шаклда сақловчи воситаларда жойлаштирилган, тизимлашган назарий-амалий мажмуа тушунилади.

ИЎМ тузилиши ва мазмуни давлат таълим стандарти талабларига мос келиши ҳамда билимларнинг талабалар томонидан мустақил ўзлаштирилишига имкон қадар кўпроқ ёрдам бериши лозим.

ИЎМ таркибига кирувчи электрон дарсликлар ўз-ўзини назорат қилишнинг мукамал ўйланган тизимини ўзида мужассамлаштирган ва курсни ўрганиш модулини таъминлаши лозим. Бундан ташқари, электрон курсларни ишлаб чиқишда талабаларда англашга бўлган рационал харакаتلарни шакллантириш бўйича махсус машқларни назарда тутиш лозим.

ИЎМ зарур ҳолларда ОТМ томонидан маълумотнома ва луғатлар, даврий, соҳага оид ва ижтимоий-сиёсий нашрлар, илмий адабиётлар, хрестоматиялар, маълумотлар базаси, сайтлар, маълумотлар тизими, электрон маълумотнома ва тармоқ ресурсларидаги манбаларга ҳаволалар билан тўлдириб борилиши мумкин. Шу маънода, электрон маъруза, электрон



курслар, электрон назорат дастурлари, электрон луғат ва маълумотномалар, электрон қўлланма ва дарсликлар, мультимедиа электрон қўлланмалар, электрон ўқув адабиётлари ИЎМнинг тақрибий қисми ҳисобланади.

Ўқув-таълим жараёнида қўлланиладиган ИЎМ талабанинг қизиқишини, имкон қадар қисқа вақт ичида ўқув материалларини имкон қадар мустақил ўзлаштиришини ва ўқувчининг мантиқий фикрлаш ва эслаб қолиш каби салоҳиятли имкониятларидан фойдаланишини таъминлаши лозим.

ИЎМ таркибига кирувчи электрон ўқув-таълим ресурслар (электрон дарсликлар, ўқув ёки амалий қўлланмалар, ўтилган машғулотларни ўзлаштириш сифатини назорат қилиш учун тест материаллари, фан ёки ўқув курсини ўрганиш ҳамда назорат ва курс ишларини бажариш бўйича услубий тавсиялар, ўқув (дидактик) қўлланма ва масалалар тўпламлари) ни ишлаб чиқишнинг асосида модуллик принципи ётмоғи лозим.

ИЎМ одатда, кириш қисми, ҳар бири тегишли фан соҳаларининг (мавзулари) тугалланган тўлиқ баёнини ташкил этувчи ўқув модуллари, назорат саволлари, ўз-ўзини назорат қилиш тестлари, курс бўйича назорат топшириқлари (назорат иши, курс ёки лойиҳа ишлари, мустақил иш ёки реферат) вариантлари, хотима, асосий тушунчалар бўйича луғат ва фойдаланиш адабиётларидан иборат бўлиши лозим.

Ҳар бир ўқув модули назарий, амалий ва тестдан ўтказувчи модуллардан ташкил топади ҳамда улар услубий ўзаро боғлиқликка эга бўлиши лозим. Барча модулларнинг тўлиқ баёнидан сўнг назорат ишларининг вариантлари берилади.

Ҳар бир назарий модул муайян фан соҳасининг яқдил концептуал матнини (анъанавий таълим усули мавзуси билан мос келиши мумкин) ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозим. Унинг таркибига қуйидаги элементлар киради: кириш, тушунчалар, услубий принциплар, базис усуллар, маълумотномали билимлар, ситуацион (вазият) билимлар.

Амалий модул мазмуни бир тарафдан машқли амалий топшириқлар қўйишнинг ягона усул талабларига мос келиши, бошқа тарафдан эса, масалаларнинг ўзини яратишни ишлаб чиқишнинг муайян усуллари асосида шакиллантирилиши лозим. Амалий модулнинг асосий элементларига: амалий модул билан ишлаш бўйича кўрсатмалар, амалий топшириқлар ва амалий масалаларни ечиш вариантлари киради. Шунингдек, ИЎМнинг амалий модули тадқиқот объектига бевосита мулоқотга чиқмаган ҳолда тажриба-синов ўтказиш имконини берувчи виртуаль лабораториялар ва ҳисоблаш-моделлаштириш воситаларини ўзида мужассамлаштирган бўлиши ҳам мумкин. Бунда, тажриба-синовлар математик моделлардан



фойдаланиб ўтказилиши мумкин. Ҳар бир виртуаль лаборатория ишининг асосий компонентлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: ўрганилаётган объект, ҳодиса ёки жараённинг қисқача матни ва назарий аспекти таҳлили; тадқиқотлар ўтказиш учун фойдаланиладиган асбоб ва ускуналар, компьютер дастурлари, уларнинг характеристикалари ва қўллаш кетма-кетлиги қайд этилган матн; лаборатория ишини бажариш тартиби, ўрганилаётган объект, ҳодиса ёки жараённи тадқиқ этиш тартиби, натижаларни қайта ишлаш ва ҳисобот тақдим этиш тартиблари.

ИЎМнинг ўқитиш воситалари янги ахборот технологиялари воситалари орқали жорий этилади. Анъанавий дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ва бошқа нашр материалларнинг электрон форматдаги нусхалари ИЎМ яратишда ишлатилади.

ИЎМ материалларини яратишда дастлаб қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш керак:

- ИЎМ мазмунан шундай тузилган бўлиш керакки, улардан қўшимча ўқув ахборотларни олиш учун талаба мутлоқо қийналмаслиги керак;
- ўқув материалларини таркибий тузилмасини шакллантиришда модул тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ;
- мустақил таълимни ташкил этиш ва ўқув материалларини ўрганиш бўйича тўлиқ йўриқнома келтирилган бўлиши лозим;
- назорат топшириқлари, ўз-ўзини текшириш саволлари ва жавоблари, машқ қилдирувчи топшириқларнинг бўлиши.

ИЎМ қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган бўлиши керак:

- ихтисосликнинг Давлат таълим стандарти (ДТС);
- ДТСга мос яратилган намунавий дастур асосида тайёрланган, фаннинг мақсад ва вазифаларини, фаннинг назарий ва амалий бўлимларининг мазмунини, назорат ва курс ишларининг мавзуларини, масала ва топшириқларни, якуний назорат саволларини ва фаннинг ўқув-методик таъминотини ўзида мужассамлаштирган ишчи дастур;
- мустақил ишлаш учун методик кўрсатмаларга эга фанни ўрганиш бўйича йўриқнома;
- ўқув қўлланмалар;
- назарий билимларни қўллаш бўйича малака ва кўникмаларни шакллантирувчи практикум;
- назарий ва амалий ўқув материалларини ўзлаштирилганлик даражасини аниқлашга ёрдам берувчи тестлар;
- фан бўйича жадваллар, формулалар жамлаган маълумотнома;
- электрон кутубхона ва ҳ.к.



Олий таълим тизимида узлуксиз таълимнинг дастлабки бўғуни бўлган мактабгача таълим муассасалари учун ҳам булажак педагог-тарбиячиларни тайёрлашда уларнинг ахборот технологиялари бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириш асосий вазифаларимиздан биридир. Мактабгача таълимни сифат жиҳатдан ривожлантиришни такомиллаштириш унга қўйилган талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш билан бир қаторда, мазкур таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнларни самарали ташкил этиш ва бошқариш тизимини мазмун жиҳатдан бойитишни талаб қилмоқда. Чунки, бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотларида яратилаётган чароитлар, замонавий ўзгаришлар, ахборот-коммуникация технологияларининг барча имкониятлардан фойдалана оладиган, ўзига ва ўз ичига нисбатан талабчан, ўз ишининг устаси бўлган, ўз соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билган, ўзини-ўзи ривожлантирувчи ҳамда ўз қобилияти ва имкониятларини тўла ишга сола биладиган мактабгача таълим тошкيلاتлари мутахассисларига бўлган талаб кундан кунга ортмоқда.

Булажак мактабгача таълим тошкيلاتлари тарбиячиларини методик жиҳатдан тайёргарлигини сифатли ташкил этишда албатда ахборот таълим ресурсларини яратиш ва ундан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши зарурий талаблардан бири.

Мактабгача таълим муассасаларида таълим ва тарбия ишларини ташкил этишда интерактив ўқув мажмуалардан фойдаланишни замоннинг ўзи талаб этмоқда. Бунда болаларнинг ёш хусусиятларига мос равишда ўқув материаллари жойлаштириш, билмилар мажмуаси алифбони ўрганиш, математик кўникмаларни ҳосил қилиш, ижодкорликни ривожлантириш, спорт сағломлаштириш машғулотларини олиб бориш ва албатда кўнгилли танаффусни ҳам ташкил этиш ҳисобга олиниш зарур. Яратилган интерактив ўқув мажмуадан фойдаланиш тарбиячидан алоҳида ахборот технологиялари соҳасидаги билимларни талаб қилмайди. Дастлабки компьютерда ишлаш кўникмасининг ўзи етарли бўлади. Чунки мажмуанинг интерфейси содда яратилган бўлиб қўшимча видеокўрсатмага эга. Видеокўрсатмада мажмуадан фойдаланиш тартиблари тўлиқ кўрсатилган. Мажмуадан фойдаланишда тарбияланувчи ва тарбиячилар ҳам фаол бўлишади. Чунки ўргатувчи материаллар инерактивлик хусусиятига эга. Шунингдек мажмуада миллий қадриятимиз бўлган халқ ижодига ҳам алоҳида ўрин ажратилган бўлиб халқ эртаклари тўплами жойлаштирилган. Бу эртақлар болажонлар учун таълимий ва тарбиявий вазифани ҳам бажаради. Чунки эртақ мазмуни болажонларнинг маълумотларни қабул қилиш, уларни таҳ-

лил қилиш ва хулоса яшаш амаллари орқали синтезни амалга оширади. Бу эса болаларда ахборотлар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиради.

Яратилган электрон ўқув мажмуада тарбия масаласига ҳам алоҳида ўрин ажиратилган бўлиб, ватанга бўлган муҳаббат туйғуси, ўз ватанининг рамзий белгилари билан танишиш, болалар ижодкорлигини ривожлантиришда кўшиқлар тўпламидан ва халқ эртакларини эшитиб инсоний фазилатларни шакллантиришга хизмат қилувчи тарбиявий ишларни ташкил этувчи бўлимларни ўзида мужасамлайди.

Демак тарбияланувчи нафақат билим ва кўникмаларни эгаллаши балки компетентли шахс бўлиб вояга етиши белгилаб берилган. Айнан ушбу мақсадга эришишни назарда тутиб тарбияланувчилар учун ўқув методик мажмуа шаклидаги таълимий ўқитиш воситаси зарур деб ҳисоблаймиз ва қўйидагича ўзимизнинг мажмуамизни таклиф этамиз.

Бу мажмуада ўқув дастуридан тартиб тарбиячи ва тарбияланувчилар учун ўқув услубий маълумотлар жойлаштирилган. Ўқув мажмуа 3 функционал блокдан иборат бўлиб у таълимий, тарбиявий ва назорат қилувчи бўлимлардан иборатдир.

Масалан, бир блок ўргатувчи вазифасини бажариб билимларни эгаллашни амалга оширади. Ушбу мажмуада ватанимиз рамзлари (байроғи, герби, гимни, конституцияси), алифбо (ҳарфлар, тест, машқлар), математика (сонлар, тестлар) қўшимча дарслар (менинг ойлам, одам аъзолари, мевалар, сабзавотлар, уй хайвонлари, яввойи хайвонлар, қушлар, ошхона идишлари, кийим-кечаклар, уй жиҳозлари, ранглар, шакллар, йил фасл-



**Алифбо** бўлимида Ҳарфлар, Тест, Машқ бандлари мавжуд. Ҳарфлар бандида қорақалпоқча ҳарфлар – алифбо ўргатилади. Ҳарифга мос расмларнинг номлари қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида айтилади. Тест топшириғи ёрдамида ҳарифларни қандай ўргангани текширилади. Тест хулосалари овозли маълумот билан эълон қилинади. Машқ бандида болалар мустақил ишлашига мўлжалланган бўлиб, ҳар бир топшириқ матнига ва жавобига овоз берилган. Тест ва Машқларни болалар ўзлари бажариши ва тарбиячи билан бирга бажариши мумкин.



**Математика** бўлимида 1 дан 10 гача сонларни ўргатиш бўйича маълумот берилган. Тест 1(+) ва Тест 2(-) бандларида сонларни сонларга қўшиш ва айириш бўйича машқлар берилган. Жавобларнинг тўғри ва нотўғрилиги матнли ва овоз шаклида берилган.



лари, йил ойлари, ҳафта кунлари) жой олган. Бундаги ҳар бир элемент расмлар билан берилган ва овозлаштирилган.

Дарсларни ўзлаштирганларини текшириш мақсадида ўзингни синоб кўр иловасида интерактив топшириқлар берилган. Қувноқ танаффус бўлимида болажонларимизнинг севимли қўшиқлари, бадантарбия машқи ва эртақлар жойлаштирилди.

Ахборот технологиялари бўйича билимларни мактабгача таълим йўналиши талабаларига ўргатиш жараёнида дидактик таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ўқув материалларини талабаларга интерактив усуллар



ёрдамида чуқур ўргатиш ҳисобланади. Ўқув материални талабаларга етказишда унинг қолипли дастур иш режасидан фарқланувчи қизиқарли услубда яратиш интерактив ўқув мажмуалар деб юритилади.

Интерактив ўқув мажмуаларда дарсни ташкил этиш анъанавий дарс шаклидан фарқли ўлароқ, талабалар фаоллигини оширади ва ўз навбатида натижа юқори бўлишига замин яратади.

#### Адабиётлар:

1. Абдуқодиров А.А. Таълимда инновацион технологиялар. – Тошкент: Истеъдод, 2008. – 180 б.
2. Алламбергенова М. Информатикадан интерактив ўқув мажмуалар яратиш ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш. Автореф. 2012 й.
3. Кадырова Э.А. Смешанное обучение в системе высшего образования [Электронный ресурс] // Интернет журнал «Эйдос». - 2009. - URL: [www.-eidos.ru/journal](http://www.-eidos.ru/journal)(дата обращения: 12.01.2017).
4. Левитан К.М. Компетентностный подход в контексте модернизации высшего профессионального образования // Актуальные проблемы профессионального развития педагогов в системе современного образования: теория и практика. Материалы Всероссийской научно-практической конференции. 1 марта 2005 года. Ч. 1. Тюмень: ТОГИРРО, 2005. – С. 31–33.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ахборот технологияларини касбий фаолиятга йўналтириб ўқитишда интерактив ўқув мажмуаларидан фойдаланиш масалалари илмий жиҳатдан ўрганилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье научно исследуются вопросы использования интерактивных образовательных комплексов в обучении информационным технологиям профессиональной деятельности.

#### SUMMARY

This article scientifically examines the issues of using interactive educational complexes in teaching information technologies for professional activities.